

4. (Экономика Узбекистана. Интернет портал-СНГ) О социально-экономическом развитии Узбекистана за годы независимости. Источник: review.uz <https://ru.wikipedia.org> > wiki >

5. Проблемы образования и пути решения - в проекте стратегии инновационного развития. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.gazeta.uz/ru/2018/07/13/education-strategy/> (дата обращения: 08.11.2018).

6. Абдулхакимова Н.Т. Инновационная методика обучения русской речи студентов нефилологических специальностей в сопоставлении с их родным языком. Шифр 13.00.02.- «Методика обучения русскому языку» (русский язык как иностранный)

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/016>

## **МАОРИФ ТИЗИМИДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ УЙЁУНЛИГИ (XX АСР БОШЛАРИ)**

*Эргашев Сухроб Мухиддинович*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маъжамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими.*

Ўзлигини англаган халқ, миллатгина мамлакат суверенитетини қадрлайди. Ота-боболар қолдирган миллий анъана, қадрият ва ихтироларини тиклаш билан бирга, кейинги авлодга бутунлигича қолдириш халқнинг бой интеллектуал салоҳиятига боғлиқ. Ўз давлатчилигига эга мамлакатлар қатори азалдан Туркистонда ҳам малакали кадрлар тайёрлашда катта эътибор берилган. Аммо XX аср бошлари Мовароуннаҳр мактаб ва мадрасалари таназзул сабаблари

кўплаб тарихчиларни изланишга ундамоқда. Ушбу мақолада бу давр тарихини холисона тадқиқ қилиб, хулоса чиқаришга ҳаракат қилдик.

XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон минтақасининг ҳар бир маҳалла ва гузарларида мактаб фаолият кўрсатиши билан бирга, Бухоро амирлигида 336 та (айрим манбаъда XX аср бошларида Бухоро шахрининг мадрасалари 300 атрофида дейилади – муаллиф[6.Б-53.]), Хива хонлигида 132 та, Туркистон генерал-губернаторлигида 348 та мадраса мавжудлиги эътироф этилган [7.]. Туркистон мактаблари (мактабхона ва мактаб-кутуб – муаллиф)да ўқиш давомийлиги боланинг зеҳни ва ўзлаштириш ҳолатига боғлиқ бўлиб, 2-8 йилгача давом этган. Оилавий шароитдан келиб чиқиб, ота-оналар фарзандини 5-7 ёшлигида мактаб таълимига олиб борган.

Ўқитувчининг илмий салоҳиятидан келиб чиқиб, таълим даргоҳида бола ўқиш ва ёзишга ўргатиб борилган. Мактабхоналарда Ҳафтаяк, Чоркитоб, Каломи Шариф, Сўфи Оллоёр, Хўжа Ҳофиз, Навоий, Фузулий, Бедил ва Маслакун Муттақин китоблари ўқитилган [5. Б-81]. Ўқувчи ёзишни муфрадот (арабча - битта, ёлғиз; алоҳида шаклда араб ҳарфларини ёзиш – муаллиф), мураккабот (арабча –мураккаб бирикмалар; ҳарфларни бир-бирига қўшиб ёзиш– муаллиф), муқаттаот (арабча –маънодан узилган; мураккаб қитъа ва рубойиларни кўчириб ёзиш босқичи– муаллиф) каби уч босқичда ўзлаштирган.

Болани оила муҳити кўпроқ ахлоқ меёрларига амал қилишга етакласа, мактаб ва мадраса педагоглари замона илм-фани билан бирга, миллий қадриятларни эъозлашга ўргатган. Ўқувчи ўқиш ва ёзишни ўрганиши давомида ўқитувчи томонидан баҳолаш ўрнида рағбатлантирилган. Бу ёшлар орасида билимга ҳавасни ошириб, инсониятни эъозлашга етаклаган. Шунингдек, ўқитувчининг талаба ютуқларини баҳо қўйиш билан очиқламагани ёшларга ўзаро табақалашиб, яккаланишига йўл бермаслик учун ҳам хизмат қилган. Бу ҳол баркамол авлод тарбияси Шарқ халқлари таълим тизимида алоҳида диққат ва эътиборда бўлганини кўрсатади.

Туркистонда таълим даргоҳини қуриш, педагоглар билан таъминлаш ва унинг молиявий имкониятини яхшилаш йўлида алоҳида аҳамият берилган. Ўқув муассасалари вақф мулки ҳисобидан молиялаш ўрта асрлардан бошлаб одат тусига киргани кўпчиликга аён. Вақф фонди мударрис ва хизматчиларга маош, муллаларга нафақа, муассаса биносини доимий таъмирлаш учун асос бўлган. Аммо бу тартиб ва қоидалар XX аср бошида инқирозга учрагани кўпчиликни қизиқтиради. Тарихий манбалар тадқиқ қилинганда, анчайин кучайган мусулмон мактаб ва мадрасалари таназзули бир неча ўн йиллар олдинги сиёсий ва ижтимоий ҳолатга боғлиқлигини кўрсатмоқда. Булар:

- 1) Чор Россияси Туркистонда табиий ресурсларга эгалик қилиш билан бирга, маданий соҳа устидан ҳам кучли назорат ўрнатгани;
- 2) Мустамлакачилар маҳаллий халқ миллий руҳиятини тушкун аҳволга солиш учун, ишни моддий шароитга зарба беришдан бошлагани;
- 3) Вақф қилинган мулкларни “давлат” назоратига олиб, фонд ҳисобидан молиялаштирилган таълим муассасалар таъминотини босқичма-босқич тугатгани;

Белгилаб ўтилган вазиятларга манбалар асосида далил келтирсак:

- а) В.В.Бартольд “1869 йил Самарқанддаги Хожа Аҳрор мозори муттавалисига Қарши беклиги ҳудудидаги ердан даромад ва маблағ олишга қаршилик кўрсатгани туфайли, Бухоро муассасаларига рус маъмурияти “ҳудудига олинган чегара” ерларидан даромад олишга таъқиқ қўйилганини” ёзади [1. С-123.].
- б) В.Л.Вяткин “1869-1870 йиллар Зарафшон округи бошлиғининг топшириғи билан вақф мулки ва даромадларини аниқлаш ишлари ўтказилгани” ҳақида маълумот беради [2. С.95-98]. Самарқанд бўлими ахборотномасида жами 59951 таноб (даромади: 34621 рубль 40 копейк) маданий ерни ўз ичига олган 142 та вақф низомномаси рўйхати тузилган. Чор Россияси ҳукумати томонидан вақф мулклари ҳақидаги маълумотлар бирин-кетин аниқлаб олинганч, ер даромади ҳукумат ихтиёрига ўтказилган.

в) Чор ҳукумати айрим иноятнома (иноятнома хон ёрлиғи бўлиб, вақфни хон солиғидан озод этилган – муаллиф) ҳужжати каби вақфномалар хон томонидан тасдиқланмаган деб, уларни ноқонуний ҳужжат қаторида ҳисоблаган [5. Б-26]. Ушбу салбий ҳолатлар таълим муассасаларини молиявий таъминотдан маҳрум этиб, уларнинг фаолиятига зарба бергани яққол кўзга ташланади.

XX аср дастлабки йилларида телевидения ва радионинг ҳали кенг оммалашмагани туфайли, халқ миллий онг ва тафаккурини чархлаш, замона воқеаларидан хабардор қилишда миллий матбуот нашрлари муҳим ўрин тутган. Аммо Чор Россияси маданий соҳанинг матбаа йўналишида цензурани йилдан-йилга кучайтириб, бир қатор нашрларни таъқиқлаб келган. Мисол учун, “Бухорои шариф” (фаолияти 1912 йил 11 январь-1913 йил 2 январь – муаллиф) ва “Турон” (фаолияти 1912 йил 14 июль-1913 йил 2 январь– муаллиф) газеталари 1913 йил 12 январь ойда фаолияти тугатилган. “Бухорои шариф” ва “Турон” газеталари наشري тўхтатилишини Садриддин Айни: “Рус элчихонаси бу газеталардан Остроумов муҳаррирлигида Тошкентда нашр қилинаётган “Туркистон вилоятининг газетаси” каби тартибни кўзлашган. Аммо ушбу газеталар халқ онгини чархлаб, уларни маданият ва маорифга чорлаган. Қора фикр ва ниятли дипломатлар бунга чидай олмасдан, газета фаолиятини тўхтатди”, деб баҳолаган [4. С-109].

Садриддин Айнийнинг бу муносабатида асос ҳам етарли. Чунки, совет ҳукумати матбуот саҳифалари орқали жамиятни икки синфга бўлиб, ўзаро адоватни кучайтиришни мақсад қилгани ҳозирда сир эмас. Мисол учун, “Маориф ва ўқитғувчи” журналининг 1925 йилда нашр этилган сонларида “Бутун дунё йўқсиллари, бирлашингиз” шиори кенг қўлланилган [3]. Ушбу шиор орқали марказ вакиллари жамият аъзоларини мулкдор (эксплуататор) ва йўқсил (эксплуатация қилинувчилар) синфига ажратишган. Бу совет ишбилармон доира вакилларининг ислоҳотлар асосида жамият тараққиётини таъминлаш ўрнида,

давлат ичида инқилобий кураш, сиёсий норозиликни авж олдириб, умуммиллий бирликни бўлиб юборишга хизмат қилган.

Мактаб ва мадрасаларни социалистик жамият учун мослаштиришнинг ҳуқуқий асоси 1928 йил 19 ноябрь қабул қилинган “Эски усул мактаб ва корихоналарни тугатиш ҳақида” ги қарор бўлган [5. Б-49]. Марказ вакиллари ушбу ҳужжат асосида эски анъанавий таълим муассасалар фаолиятини тугатиш билан бирга, совет меҳнат мактаблари қамровини кенгайтирган. Шунингдек, халқ миллий қадрият, анъана ва урф-одатларни босқичма-босқич бегоналаштиришган.

Хуллас, Империя ҳукумати барҳам топгач, ҳокимиятга келган большевиклар маориф тизимига маълум имтиёзлар бериш эвазига, ўз назоратларини мустаҳкамлаб боришган. Ҳокимият жilовини қўлга олгач, Иттифоқ Республикаларни мустақил қарор чиқариш имтиёзидан маҳрум этган. 1920-1930 йилларда масжид ва мадрасалар фаолиятини таъқиқлаш билан бирга, зиёлийларни диний таълим берганликда айблаб, репрессия қилган. Ҳозирги замон ёшларига ўтмиш мусулмон мактаб ва мадрасалари тарихи, ўтказилган ислохотлар силсиласини мафкурадан холи тартибда тушинтириш лозим. Таълим муассасаларида дунёвий илмлар қатори миллий қадриятларни ўргатиш турли иллатлардан ўзини асраш билан бирга, Ватанпарварлик, ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликга етаклашга хизмат этади.

## **Фойдаланган адабиётлар**

1. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. -Л.:Издательство академии наук СССР, 1927. 256 стр.
2. Справочная книжка Самаркандской области. Выпуск X. “О вакуфах Самаркандской области”. Самарканд-1912. 210 стр.
3. “Маориф ва ўқитғувчи” ижтимоий-сиёсий, таълим-тарбиявий, адабий, фанний, илмий журнал.1925 йил март, 1-сон

4. Садриддин Айни «Таърихи инқилоби Бухоро» -Душанбе: Адиб, 1987. 240 с.
5. Шамсутдинов Р., Расулов Б. Туркистон мактаб ва мадрасалари тарихи. (XIX аср охири XX аср бошлари) Андижон-1995. 104 бет.
6. Жуманазаров А., Бухоро таълим тизими тарихи. -Т.:Академнашр. 2017.
7. Юсупов Ҳ. С., Хива мадрасаларида таълим тизими ва ўқитиш услублари. Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Урганч-2013 й. [madrasa.uz/madrasa-darslik/480-xiva-madrasalarida-talim-tizimi.html](http://madrasa.uz/madrasa-darslik/480-xiva-madrasalarida-talim-tizimi.html)

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/017>

## **ЭКОЛОГО-ПРАВСТВЕННЫЙ ИМПЕРАТИВ В ЛОГИКЕ ЦЕННОСТНОГО ПОДХОДА**

**Ким Лариса Антоновна,**  
старший преподаватель кафедры  
«Социально-гуманитарные дисциплины»  
*Алмалыкский филиал Ташкентского государственного технического  
университета.*

В связи с динамическим обострением экологической ситуации на планете человеческий разум вновь обращается к взаимоотношению общества и биосферы. Экологический кризис – это, прежде всего, кризис ценностей технократического общества, ориентированного на потребление природных ресурсов, на создание материальных благ и комфортных условий жизни человека. Решение экологических проблем невозможно без изменения ценностных ориентаций широких слоев населения, начиная с детей и молодежи.